134. Келгуси йилда Ўзбекистоннинг қатор йирик шаҳарлари ўртасида авиақатновларни йўлга қўйиш, иккита янги йўналишда тезюарар поездлар қатновини йўлга қўйиш, темир йўли электрлаштириш мўлжалланмоқда.

- A. "Бухоро - Урганч - Хива"
- B. "Термиз-Самарқанд-Тошкент"
- C. "Тошкент-Наманган-Андижон"
- D. "Тошкент-Самарқанд-Бухоро"

135. Эндиликда мамлакатимиз Экспорт қилувчиларига чет элда савдо уйлари ва дўконлар очиш харажатларининг қоплаб беради.

- A. 50%
- B. 45 %
- C. 60 %
- D. 35 %

136. Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида неchanчи ўринни эгаллади?

- A.44
- Б.43
- С.42
- Д.41

137. Суд-хуқук соҳасида, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар натижасида 2020 йилда судланган шахсларнинг неча фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди?

- A.74 %
- Б.73 %
- С.82 %
- Д.90 %

138. 2020 йил Ўзбекистонда жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган неча нафар фуқаро афв этилди?

- A.616 та
- Б.923 та
- С.710 та
- Д.846 та

139. Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида 2020 йилнинг ўзида неча нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди?

- A.719 та
- Б.823 та
- С.924 та
- Д.500 та

140. Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилиш мақсадида “Меҳр-3” операцияси амалга оширилиб, Суриядан яна қанча фуқаро Ватанимизга олиб кэлинган?

- A.98 нафар
- Б.89 нафар
- С.90 нафар
- Д.100 нафар

141. Мамлакатимизда 2020 йил декабрдаги Президент Мурожаатномасида Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини қонун даражасида мустаҳкамлаш борасида қандай қонунни қабул қилиш таклиф этилди?

- A. Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни
- Б. Болаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонунни
- С. Болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни
- Д.Бундай қонунни қабул қилиш назарда тутилмаган

142. Давлат органлари тизимидағи раҳбар ва мутасаддилар томонидан тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари кузатилса, бу мансабдорларни қандай жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга ваколат бериш таклиф этилди?

- A. маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича
- Б. жиноий жавобгарликка тортиш бўйича
- С. интизомий жавобгарликка тортиш бўйича
- Д. иқтисодий-молиявий жавобгарликка тортиш бўйича

143. Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 2021 йилда нечта лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади?

- A.105 та
- Б.98 та
- С.88 та
- Д.70 та

144. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қандай ҳужжат ишлаб чиқиши таклиф этилди?

- A. Тадбиркорлик кодекси
- Б. Тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонун
- С. Тадбиркорлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонун
- Д. Бизнес-Омбудсман тўғрисидаги қонун

145. Тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказиш муддатини яна қанча вақтга узайтириш таклиф этилди?

- А. бир йилга
- Б. икки йилга
- С. бир ярим йилга
- Д. олти ойга

146. 2021 йилдан бошлаб вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда қандай мезон бош мезон бўлади, деб ҳисобланди?

- А. маҳалладаги ишларнинг аҳволи
- Б. Тадбиркорлик фаолияти ривожланиши
- С. тегишли ҳудуддаги таълим-тарбия жараёни
- Д. сектор раҳбарларининг масъулияти

147. Президент Ш.Мирзиёев Мурожаатномада қайси жиноятни ўта оғир жиноят деб атади?

- А. Коррупцияни
- Б. Одам савдосини
- С. Терроризм ва давлатга хоинлик қилишни
- Д. Одам ўлдиришни

148. 2019-2020 йилларда ҳокимларнинг қанча қарори судлар томонидан бекор қилинган?

- А. 2,5 мингга яқин
- Б. 1,5 мингга яқин
- С. 3 мингта
- Д. 350 та

149. Сўнгги 4 йилда барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича қанча қонун, нечта фармон ва қарорлар қабул қилинди?

- А. 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарор
- Б. 223 та қонун, 1 мингга яқин фармон ва қарор
- С. 180 та қонун, 2,5 мингга яқин фармон ва қарор
- Д. 190 та қонун, 1,5 мингга яқин фармон ва қарор

150. Қабул қилинган хужжатлар ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйиши мақсадида қандай тизим жорий қилинади?

- А. “жамоатчилик эшитувлари” ва “жамоатчилик мониторинги” тизими
- Б. “жамоатчилик кузатувлари” ва “жамоатчилик мониторинги” тизими
- С. “жамоатчилик назорати” ва “жамоатчилик кузатуви” тизими
- Д. “жамоатчилик экспертизаси” ва “жамоатчилик назорати” тизими

151. Адлия вазирлиги барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение орқали қандай мавзуда кўрсатув ва чиқишлар ташкил этиб, халқимизга ислоҳотлар моҳияти ва натижаларини етказиб бориш тизимини жорий этиши режалаштирилган?

- А. “Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда”
- Б. “Парламент қарорлари – ҳаётда ва назоратда”
- С. “Президент фармонлари – ҳаётда ва назоратда”
- Д. “Конунлар – адолат мезони”

152. Мурожаатномада Конунчилик палатасида қандай институт жорий этиш таклиф қилинди?

- А. нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институти
- Б. хусусий секторни ривожлантириш институти
- С. жамоат назоратининг доимий вакили институтини
- Д. халқаро тадқиқот институтини

153. Мурожаатномада жиноят кодексининг оммавий ахборот воситалари орқали “туҳмат” ва “ҳақорат қилиш” каби моддалари бўйича қандай жазо чоралари бекор қилинганиниг айтиб ўтилди?

- А. озодликдан маҳрум қилиш жазоси
- Б. озодликни чеклаш жазоси
- С. жарима жазоси
- Д. қамоқ жазоси

154. Сўнгги 4 йил давомида суд-хуқук соҳасини ислоҳ этиш борасида қанча қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди?

- А. 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар
- Б. 30 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар
- С. 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар
- Д. 10 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар

155. 2019 йилда вилоят судлари қабул қилган қанча қарор Олий суд томонидан ўзгартирилган ва бекор қилинган?

- А. 13 мингта
- Б. 12 мингта
- С. 11 мингта
- Д. 10 мингта

156. 2021 йилдан бошлиб жорий этиладиган қандай тамойил суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозим?

- А. “бир суд – бир инстанция” тамойили
- Б. “одил суд – адолат мезони” тамойили
- С. “олий суд – адолат қўрғони” тамойили
- Д. “судьялар дахлизлиги – давлат ҳимоясида” тамойили

157. 2019 йилда 1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга Ўзбекистон фуқаролигини тўғридан тўғри бериш тартиби белгиланган эди. Бу билан қанча шахсларга фуқаролик олиш имконияти яратилди?

- А. 50 минг нафардан ортиқ
- Б. 40 минг нафардан ортиқ
- С. 30 минг нафардан ортиқ
- Д. 35 минг нафарга яқин

158. Мурожаатномада сўнгти йилларда республикамида юз берган табиий ва техноген оғатлар, куз-қиши мавсумида содир бўлаётган ёнгин ва бошқа кўплаб нохуш ҳолатлар бу борадаги мавжуд тизимни янада такомиллаштириш мақсадида қандай қонун қабул қилиш лозимлиги таклиф қилинди?

- А. “Фавқулоддаги ҳолат тўғрисида”ги Қонунни
- Б. “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунни
- С. “Табиий муҳит тўғрисида”ги Қонунни
- Д. “Фавқулодда ҳолатларда фуқаролар хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунни

159. 2020 йилда республикамиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига раислик қилди. Унда нечта ҳалқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди ва қанча муҳим ҳужжатлар қабул қилинди?

- А. 60 дан зиёд барча ҳалқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 70 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.
- Б. 50 дан зиёд барча ҳалқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 60 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.
- С. 40 дан зиёд барча ҳалқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 50 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.
- Д. 70 дан зиёд барча ҳалқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 60 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

160. Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль – Ҳалқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланади. Ўзбекистонда ушбу сана бўйича қандай муҳим чоратадбирларни амалга ошириш режалаштирилди?

- А. Ушбу санани Ўзбекистонда “Ҳалқлар дўстлиги куни” этиб белгилаш таклиф этилди.
- Б. Ушбу санани Ўзбекистонда “Байрам куни” деб белгилаш ва дам олиш куни этиб ҳисоблаш кераклиги таклиф этилди.
- С. Мазкур ҳалқаро ҳужжатни Ўзбекистонда ратификация қилиш лозимлиги белгиланди.
- Д. Бу ҳақда Мурожаатномада ҳеч нарса дейилмаган.

161. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномасида пандемия шароитида қанча чет эллик малакали шифокор ва мутахассислар юқори жалб этилди?

- А. 150 нафар
- Б. 180 нафар
- С. 250 нафар
- Д. 100 нафар

162. Мурожаатномада пандемияга қарши курашда бизга амалий кўмак берган давлатлар қаторини белгиланд.

- А. Полша, Эрон, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Дания,
- Б. Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия
- С. Озарбайжон, Украина, Хиндистон, Арманистон, Руминия, Франция
- Д. Озарбайжон, Украина, Хиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия

163. Мурожаатномада пандемияга қарши курашда мамлакатимиз билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларда бизга амалий кўмак берган қайси халқаро ташкилотларга миннатдорчилик билдирилди?

- А. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро аккредитация қилиш форуми
- Б. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро молия институтлари Осиё – Тинч океани қонунчилик метрологияси форуми
- С. Жаҳон Савдо Ташкилоти, МАГАТЕ, Лабораториялар аккредитацияси халқаро ҳамкорлиги.
- Д. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро молия институтлари

164. Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференцияларининг қайси тизими татбиқ этилади?

- А. Бенефитс оғ Интернатионал Траде бй Элмер Д. Виенс
- Б. Жаҳон Савдо Ташкилоти, Генерал Агреемент он Тариффс
- С. Жаҳон Савдо Ташкилоти, ГСП+
- Д. Генерал Агреемент он Тариффс, ГСП+

165. ГСП+ бу-....?

А. Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим
Б. Умумлаштирилган имтиёзлар тизими
С. Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги барқарор динамика ва қўшма тасшаббусларни амалга оширишда эришилган ютуқлар
Д. Молиявий-техник ва инвестицион ҳамкорликнинг барча соҳалари

166. Умумлаштирилган имтиёзлар тизими ГСП+ иқтисодиётнинг қайси соҳалари ривожланади?

- А. Қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес
- Б. Касаначилик, Кончилик
- С. Оғир саноат, автомобил саноати
- Д. Енгил саноат, тўқимачилик экспортини

167. Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда савдо преференсиялари – “ГСП+” тизимининг йиллик экспорт миқдори қанчага ортади

- А. 500 миллион долларга
- Б. 600 миллион долларга
- С. 400 миллион долларга
- Д. 300 миллион долларга

168. Республикамизда ташкил этилаётган “ИТ-Парклар” билан қанча компаниялар ҳамкорликда иш бошлайди?

- А. 500 дан ортиқ
- Б. 400 дан ортиқ
- С. 300 дан ортиқ
- Д. 200 дан ортиқ

169. Парламентга Мурожаатномада Президент давлат ва жамият бошқаруви соҳасида ҳамкорликда қайси халқаро индекси билан баҳоланди?

- А. Очиқ маълумотларни кузатиш индекси
- Б. Қонун устуворлиги индекси
- С. Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси
- Д. Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси

170. Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтиришда ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳамкор ташкилотлар белгиланг

- А. ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ
- Б. ЮНИСЕФ, Жаҳон банки
- С. ШХТ
- Д. ЭКОСАН, УНИДО

171. Мурожаатномада Президент болаларимизнинг меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида қандай тизим жорий этди?

- А. Мактаб ва маҳалла тизими
- Б. Бағча, мактаб ва олий таълим тизими
- С. Оила, маҳалла, мактаб ва олий таълим тизими
- Д. Касбга ўргатиш тизими

172. Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуи бўғинлари ўртасидаги узвийлик ва ҳамкорлик Олий таълимга қанча академик лицей бириктирилди?

- А. 65 та академик лицей
- Б. 55 та академик лицей
- С. 75 та академик лицей
- Д. 95 та академик лицей

173. Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуи бўғинлари ўртасидаги узвийлик ва ҳамкорлик асосида турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига қанча техникумлар бириктирилди?

- А. 167 та техникум
- Б. 187 та техникум
- С. 157 та техникум
- Д. 177 та техникум

174. Президент Парламентга Мурожаатномасида қадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг энг муҳим омили

- А. Янги йилда юртимиздаги 30 та етакчи олийгоҳга ўқув дастурларини ишлаб чиқиши, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳукуқи берилади.
- Б. Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оиласлар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз
- С. Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш.
- Д. Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

175. Президент Парламентга Мурожаатномасида қадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик қайси давлат жамғармаси орқали юборилади?

- А. “Эл-юрт умиди” жамғармаси
- Б. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
- С. “Маҳалла” Республика ҳайрия жамғармаси
- Д. Ўзбекистон Республикаси Улугбек номидаги Иктидорли ёшларни қўллаб кувватлаш жамғармаси

176 Кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали кейинги йилда қайси етакчи хорижий олий ўқув юртларининг магистратура ва докторантурасида ўқишига юбориладиган ёшлар сони қачага кўпайтирилади?

- А. 6-7 баробарга кўпайтирилади
- Б. 4 баробарга кўпайтирилади
- С. 2-3 баробарга кўпайтирилади
- Д. 5 баробарга кўпайтирилади

177. Келгуси йилда мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда қандай вазифаларга аҳамият берилади?

- А. Сиёсий фаолият концепсияси такомиллаштирилади ва ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз
- Б. ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари қўшилмаслик, шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз
- С. Сиёсий фаолият концепсияси такомиллаштирилади
- Д. Ташқи ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари ҳамда юртимизнинг чет эллардаги элчилари мазкур давлатлар билан янги, янада самарали иш тизимини жорий етилади

178. Марказий Осиё ҳалқаро институти

- А. Ҳамкорлик алоқаларини чукур ўрганиш ва янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда қайси институт ташкил қилинади
- Б. Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал етишга
- С. Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлиари ескича қолипда ишлайдиган раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш учун
- Д. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш бўйича янгича ёндашувлар жорий етиш учун

179.Хива шаҳрида қайси ташкилот билан ҳамкорликда “Марказий Осиё жаҳон сивилизациялари чорраҳасида” ҳалқаро анжуманини ўтказиш режалаштирилган?

- А. ЮНИСЕФ, Жаҳон банки
- Б. ЮНЕСКО
- С. ШХТ, ЁИИ
- Д. ЕОСАН, УНИДО

180. Транс-аффон транспорт йўлагини барпо етиш бу-.....

- А. Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган дастлабки амалий қадамлар Афғанистандаги вазият барқарорлашади
- Б. Транс-афғон транспорт йўл Ҳинд океани билан боғлади
- С. Бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга бекиёс хизмат қиласди.
- Д. Бутун минтақамизда барқарорлик таъминлашга ва ҳарбий харакатлар тўхтайди.

181. Жорий йилда республикамиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига раислик қилди ва пандемияга қарамасдан қанча халқаро тадбирлар ва хужжатлар қабул қилинди?

- А. 50 дан зиёд халқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 60 га яқин муҳим хужжатлар қабул қилинди.
- Б. 100 дан зиёд халқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 70 га яқин муҳим хужжатлар қабул қилинди.
- С. 60 дан зиёд халқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 70 га яқин муҳим хужжатлар қабул қилинди.
- Д. 60 дан зиёд халқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 500 га яқин муҳим хужжатлар қабул қилинди.

182. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиши қайси йилларда?

- А. 2021-2025 йилларда
- Б. 2022-2023 йилларда
- С. 2021-2023 йилларда
- Д. 2022-2025 йилларда

183. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошчилигига “Инсон хуқуqlари бўйича таълим” глобал форум нимага бағишлиланади?

- А. Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлагини барпо етиш борасида дастлабки амалий қадамларни
- Б. “Марказий Осиё жаҳон сивилизациялари чорраҳасида”
- С. Ёшлар хуқуqlariiga бағишлиланган Бутунжаҳон ёшлар анжумани, диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференция
- Д. “Халқлар дўстлиги куни”

184. “Ватандошлар” жамғармасини тузишдан мақсад...

- А. Ташқи иақтисодий ҳамкорлик алоқаларни мустаҳкамлаш
- Б. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидағи ватандошларимиз Ўзбекистоннинг иқтисодини қўллаб-қувватлаш
- С. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш
- Д. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидағи ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида

185. Ассамблеясининг резолютсияси билан ҳар йили 30 июл куни.....

- А. Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланади.
- Б. Халқаро миллатлар тотувлик куни сифатида кенг нишонланади.
- С. Халқаро ёшлар куни сифатида кенг нишонланади.
- Д. Халқаро дин эркинлиги

186. Президент Ш. Мирзиёев мурожаатномада халқимизга қандай ягона мақсад атрофида бирлашиб, масъулият ва жавобгарликни чукур ҳис этган ҳолда, фидокорона меҳнат қилишни таклиф этди?

- А. “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”
- Б. “Янги Ўзбекистон янги имкониятлар”
- С. “Янги жамият янги мафкура”
- Д. “Халқимиз бой бўлиши керак”

187. Президент Ш. Мирзиёев мурожаатномада ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга қўтариш мақсадида кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда қандай ном беришни таклиф этди?

- А. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили
- Б. Ёшлар йили
- С. Пандемияга қарши қураш йили
- Д. Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

188. Собиқ Иттифоқ даврида нуфузли ўтказилиб борилган Тошкент халқаро кинофестивали қандай ном билан қайта ташкил этилади?

- А. “Ипак йўли дурданаси” – Тошкент халқаро кинофестивали
- Б. Тошкент халқаро киноҳафталиги
- С. Халқаро киночилар куни
- Д. Ижодкор инсон

189. Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциянинг неchanчи моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш хукуқига эга?

- А. 93-моддаси
- Б. 94-моддаси
- С. 95-моддаси
- Д. 96-моддаси

190. Ўзбекистон Республикаси Президенти неchanчи йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат йўллашни бошлади?

- А. 2017 йилдан
- Б. 2018 йилдан
- С. 2016 йилдан
- Д. 2019 йилдан

191. Бутун дунёдан нечта мамлакатда коронавирус аниқланган?

- А.191 та
- Б.180 та
- С.175 та
- Д.195 та

192. 2020 йилнинг сўнгига қадар бутун дунё бўйича неча миллион кишида коронавирус билан касалланиш аниқланган?

- А.81 миллион
- Б.72 миллион
- С.10 миллион
- Д.90 миллион

193. 2020 йилнинг сўнгига қадар дунё бўйича короновирусдан вафот этганлар сони қанчани ташкил этади?

- А.765 минг нафар
- Б.650минг нафар
- С.1 миллион нафар
- Д.768 минг нафар

194. Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун ҳар ойда қанча микдорда зарар келтирмоқда?

- А.Қарийб 400 миллиард доллар
- Б.375 миллиард доллар
- С.420 миллиард доллар
- Д.Қарийб 500 миллиард доллар

195. 2020 йилнинг сўнгига қадар пандемия сабабли дунё бўйича қанча иш ўрни йўқотилган?

- А.500 миллионта
- Б.475 миллионта
- С.520 миллионта
- Д.300 миллионга яқин

196. 2020 йилда юртимизда юз берган табиий ва техноген оғатлар?

- А.Бухоро ва Сардобадаги оғат
- Б. Сардобадаги сув тошқини
- С.Бухорода юз берган кучли шамол
- Д.Об-ҳавонинг ўзгарувчанлиги

197. Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб фавқулодда иш режимига ўтказилган...

- А.Бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари
- Б.Тиббиёт муассасалари
- С.Бутун бошқарув тизими
- Д.Таълим мұаассасалари

198. Қайси омил туфайли пандемия шароитида мавжуд қийинчилікларни мардона енгіб ўтмоқдамиз?

- А. Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, ахоли ва давлат органларининг биргалиқдаги саъй-харакатлари туфайли
- Б. Пандемия шароитида олиб борилған мақсадлы саъй-харакатлар, бутун ижтимоий инфратузилмаларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш туфайли.
- С. Ижтимоий соҳа вакиллари, жумладан, шифокорлар, күнгиллилар, волонтёрлар ва тадбиркорларнинг толмас меҳнати, иродаси, ўз қасбига бўлған садоқати туфайли
- Д. Пандемияга қарши кураш чораларини қатъий тартиб асосида ташкил этилганлиги туфайли

199. 2020 йил...?

- А. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди
- Б. Тиббиётни ривожлантириш борасида туб бурилиш йили бўлди
- С. Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш борасида туб бурилиш йили бўлди
- Д. Банк ислохотларини эркинлаштириш борасида туб бурилиш йили бўлди

200. Пандемия бошлангандаёқ Тошкент шаҳри ва ҳудудларда неча ўринли барча шароитларга эга даволаш масканлари ташкил этилди?

- А.Қарийб 30 минг ўринли
- Б.20 минг ўринли
- С.32 минг ўринли
- Д.Қарийб 40 минг ўринли

201. Тошкент шаҳри ва ҳудудларида пандемияга қарши курашиш учун неча нафар тиббиёт ходими жалб қилинди?

- А. 200 мингдан зиёд
- Б.100 мингдан зиёд
- С.205 минг
- Д.168 минг

202. Пандемияга курашиш учун Тошкент шаҳри ва ҳудудларига неча нафар чет эллик юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди?

- А.150 нафар
- Б.160 нафар
- С.100 нафарга яқин

Д.170 нафар

203. 2020 йил сархисобларига қўра хориждан юртимизга олиб келинган ватандошларимиз миқдори?

- А.600 мингдан ортиқ
- Б.570 минг
- С.598 минг
- Д.700 минг

204. Қанча миқдорда пандемия шароитида чет элда қийин аҳволга тушиб қолган фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди?

- А.100 мингга яқин
- Б.150 минг
- С.200 мингга яқин
- Д.162 минг

205. 2020 йил сархисобларига қўра пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан молиявий жиҳатдан қанча миқдордаги чора-тадбирлар амалга оширилди?

- А.82 триллион сўмлик
- Б.80 триллион сўмлик
- С.75 триллион сўмлик
- Д.90 триллион сўмлик

206. Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-куватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан қанча миқдрорда маблағ йўналтирилди?

- А.16 триллион сўмдан ортиқ
- Б.15 триллион сўм
- С.17 триллион сўмдан ортиқ
- Д.15 триллион сўмдан ортиқ

207. Давлат корхоналарига тадбиркорлик субъекти ҳамда фуқароларга солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-куватлаш бўйича қанча миқдорда амалий ёрдамлар берилди?

- А. 66 триллион сўмлик
- Б.56 триллион сўмлик
- С.67 триллион сўмлик
- Д.70 триллион сўмлик

208. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида қанча миқдордаги эҳтиёжманд оиласарга қанча моддий ёрдам кўрсатилди?

- А. 800 мингдан зиёд оиласарга 1 триллион сўмдан ортиқ
- Б.700 мингдан зиёд оиласарга 1,5 триллион сўм

- С. 600 мингдан зиёд оилаларга 1 триллион сўм
Д. 700 мингдан зиёд оилаларга 1 триллион сўм

209. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрдаги мурожаатномасида пандемияга қарши қурашда бизга амалий кўмак берган қайси давлат раҳбарларига ташаккур билдирилар?

А. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро молия институтлари, Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия.

Б. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро молия институтлари, Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия.

С. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро молия институтлари, Россия, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия.

Д. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия.

210. 2020 йил қандай номланган эди?

А. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”

Б. “Инсон манфаатлари йили”

С. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”

Д. “Аёллар йили”

211. Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёning саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қололдими?

А. ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қололди

Б. ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қололмади

С. Пандемия сабабли ўсиш суръатларини сақлаб қололмади

Д. Сардобадаги сув тошқини сабаб ўсиш суръатларини сақлаб қололмади

212. Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари – “GSP+” тизимини татбиқ этиш бўйича, муҳим қадамлар ташланди. Ушбу тизим келгусида республикамизда ишлаб чиқариладиган қанча турдаги маҳсулотларни Европа бозорига бож тўламасдан олиб кириш имконини беради?

А.6 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни

Б.5 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни

С.7 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни

Д.5,5 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни

213. Жорий йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада қанча микдорда давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди?

- А. 2 триллион сўмлик
- Б. 1 триллион сўмлик
- С. 3 триллион сўмлик
- Д. 1,5 триллион сўмлик

214. Бу йил 2020 йил республикамизда йирик корхоналар ҳамда инфратузилма объектларининг қанчаси барпо этилди?

- А.197 та
- Б.200 та
- С.198 та
- Д.250 та

215. Бу йил 2020 йил республикамизда йирик корхоналар ҳамда инфратузилма объектларининг қайсилари барпо этилди?

- А. “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи
- Б.Азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи
- С.“Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи
- Д.“Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари.

216. Энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида қанча янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди?

- А.6 та
- Б.5 та
- С.7 та
- Д.8 та

217. Энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати қанча қилиб белгиланган?

- А. 2 миллиард доллар
- Б. 1 миллиард доллар
- С. 3 миллиард доллар

Д. 6 миллиард доллар

218. Энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, қанча қувватга эга?

- А. 2 минг 700 мегаватт қувватга
- Б. 2 минг 600 мегаватт қувватга
- С. 1 минг 700 мегаватт қувватга
- Д. 2 минг 500 мегаватт қувватга

219. 2020 йилда Тошкент шаҳрида қанча янги метро станцияси фойдаланишга топширилди?

- А.2 та
- Б.1 та
- С.3 та
- Д.4 та

220. 2020 йилда Тошкент шаҳрида янги метро станцияси ва илк бор неча километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди?

- А.18 километрлик
- Б.15 километрлик
- С.14 километрлик
- Д. 19 километрлик

221. 2020 йил қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртacha неча фоизга ошириш имконини яратди?

- А.10 фоиз
- Б.20 фоиз
- С.25 фоиз
- Д.15 фоиз

222. 2020 йилда мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам кластер ва кооперациялар қанчасининг фаолияти йўлга қўйилди?

- А.500 га яқин
- Б.420 та
- С.530 та
- Д.600 га яқин

223. 2020 йилда мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, қанча микдордаги мева-сабзавот экспорт қилинди?

- А. 1 миллиард долларлик
- Б. 2 миллиард долларлик

С. 1,5 миллиард долларлик
Д. 2,5 миллиард долларлик

224. 2020 йил қанча гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди?

- А. 91 минг гектар
- Б. 90 минг гектар
- С. 85 минг гектар
- Д. 95 минг гектар

225. 2020 йил неча гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди?

- А. 133 минг гектар
- Б. 140 минг гектар
- С. 132 минг гектар
- Д. 130 минг гектар

226. 2020 йилда тадбиркорликни кенг қўллаб-куватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб неча баробар кўп кредитлар ажратилди?

- А. 4 баробар кўп
- Б. 5 баробар кўп
- С. 3 баробар кўп
- Д. 2 баробар кўп

227. 2020 йилда аҳолининг муайян қатлами ўртасида мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик?

- А.Камбағаллик
- Б.Ўзбошимчалик
- С.Манманлик
- Д.Билимсизлик

228. 2020 йилда барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оиласалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги қандай тизими жорий этилди?

- А. “темир дафтар” тизими
- Б. “ёш оиласалар билан ишлаш” тизими
- С. “ёшлар билан ишдаш” тизими
- Д. “болалар билан ишлаш” тизими

229. 2020 йилда “Темир дафтар” тизими жорий этилиб қисқа муддатда бу тизим орқали қанча фуқаронинг бандлиги таъминланди?

- А. 527 минг
- Б. 525 минг
- С. 530 минг

Д. 542 минг

230. 2020 йилда ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли қанча нафар фуқаро мөҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди?

- А. 500 минг нафар
- Б. 700 минг нафар
- С. 600 минг нафар
- Д. 530 минг нафар

231. 2020 йилда дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига қанча миқдордаги имтиёзли кредит ва субсидия ажратилди?

- А.300 миллиард сўм
- Б.400 миллиард сўм
- С.200 миллиард сўм
- Д.250 миллиард сўм

232. 2020 йилда Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган “IT-парклар”да қанча замонавий компаниялар иш бошлади?

- А. 500 дан ортиқ
- Б. 300 дан ортиқ
- С. 600 дан ортиқ
- Д. 350 дан ортиқ

233. Якунланаётган 2020 йилда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан неча баробар кўп маблағ ажратилди?

- А. 5 баробар кўп
- Б. 6 баробар кўп
- С. 7 баробар кўп
- Д. 4 баробар кўп

234. Якунланаётган 2020 йилда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм маблағ ажратилди. Натижада аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси неча фоизга етди?

- А. 73 фоизга
- Б. 75 фоизга
- С. 78 фоизга
- Д. 80 фоизга

235. Жорий 2020 йилда ижтимоий нафақа олувчилик қамрови неча баробарга оширилди?

- А. 2 баробарга
- Б. 3 баробарга

- С. 5 баробарга
- Д. 4 баробарга

236. 2020 йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови неча миллионга етказилди?

- А.1 миллион 200 минг нафарга
- Б.1 миллионга нафар
- С.2 миллион 300минг нафар
- Д.3 миллион нафар

237. 2020 йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу мақсадларга бюджетдан 2016 йилга нисбатан неча баробар кўп маблағ ажратилди?

- А. 5 баробар кўп
- Б. 4 баробар кўп
- С. 3 баробар кўп
- Д. 6 баробар кўп

238. 2020 йилда кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида неча баробар ортди?

- А. 2 баробар
- Б. 3 баробар
- С. 5 баробар
- Д. 4 баробар

239. 2020 йилда кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси ортиб, неча фоизга етди?

- А. 60 фоизга
- Б. 50 фоизга
- С. 62 фоизга
- Д. 65 фоизга

240. 2020 йилда боғчалар сони эса неча баробарга кўпайди?

- А. 3 баробарга
- Б. 2 баробарга
- С. 4 баробарга
- Д. 5 баробарга

241. 2020 йилда кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, қанчага ошди?

- А. 14 мингдан ошди
- Б. 15 мингдан ошди
- С. 13 мингдан ошди
- Д. 12 мингдан ошди

242. 2020 йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан неча баробарга ўсди?

- А. 2,5 баробарга ўсди
- Б. 3 баробарга ўсди
- С. 5 баробарга ўсди
- Д. 3,5 баробарга ўсди

243. 2020 йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан неча фоизга етди?

- А. 25 фоизга
- Б. 20 фоизга
- С. 30 фоизга
- Д. 35 фоизга

244. 2020 йилда эҳтиёжманд оиласарнинг неча нафар қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди?

- А. Мингга яқин
- Б. Беш юзга яқин
- С. Олти юзга яқин
- Д. Минг та

245. 2020 йилда Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексининг неchanчи поғонасига кўтарилди?

- А.125 поғонага
- Б. 120 поғонага
- С. 130 поғонага
- Д. 122 поғонага

246. 2020 йилда Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, неchanчи ўринни эгаллади?

- А. 44-ўринни
- Б. 40-ўринни
- Д. 45-ўринни
- С. 47-ўринни

247. 2020 йилда Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги нечта йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошкор қилинди?

- А. 20 та йўналиш
- Б. 10 та йўналиш
- С. 25 та йўналиш
- Д. 15 та йўналиш

248. “Иқтисодий эркинлик” рейтингида ҳам мамлакатимизнинг нечанчи поғона кўтарилигани ислоҳотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди?

- А. 26 поғона
- Б. 28 поғона
- С. 36 поғона
- Д. 19 поғона

249. Суд-хуқуқ соҳаси, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг неча фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди?

- А. 74 фоизига
- Б. 80 фоизига
- С. 75 фоизига
- Д. 82 фоизига

250. 2020 йилда жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган неча нафар фуқаро афв этилди?

- А. 616 нафар
- Б. 515 нафар
- С. 856 нафар
- Д. 650 нафар

251. Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида жорий 2020 йилнинг ўзида неча нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди?

- А. 719 нафар
- Б. 720 нафар
- С. 715 нафар
- Д. 721 нафар

252. Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда.деб номланган операцияси амалга оширилиб

- А. “Мехр-3”
- Б. “Мехр-муруват”
- С. “Мехр-саҳоват”
- Д. “Мехр”

253. 2020 йилда Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. Суриядан яна неча нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келинди?

- А. 98 нафар
- Б. 100 нафар

С. 96 нафар
Д. 90 нафар

254. “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларнинг биринчи йўналиши ...

А. Ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш.

Б. Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш.

С. Ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўнималари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташабbusларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратиш.

Д. Катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштириш.

255. “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларнинг иккинчи йўналиши ...

А. Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш.

Б. Ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш.

С. Ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўнималари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташабbusларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратиш.

Д. Катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштириш.

256. “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларнинг учинчи йўналиши ...

А. Ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўнималари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташабbusларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратиш.

Б. Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантикий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш.

С. Ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча қуч ва имкониятларни сафарбар этиш.

Д. Катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштириш.

257. Нечанчи йилда мамлакатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳукуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди?

- А.2020-йил
- Б.2015-йил
- С.2016-йил
- Д.2019-йил

258. Яқинда 2020 йил якунларида АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги қайси рўйхатидан чиқарилди?

- А. “махсус кузатувдаги давлатлар”
- Б. “махсус давлатлар”
- С. “махсус кузатувдаги”
- Д. “махсус кузатувда бўлган давлатлар”

259. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг олий минбаридан илгари сурган қайси ташаббусларимиз дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилиниб, қўллаб-қувватланмоқда?

- А. Глобал ва минтақавий ташаббусларимиз
- Б. Минтақавий ташаббусларимиз
- С. Глобал ташаббусларимиз
- Д. Иқтисодий ва ижтимоий ташаббусларимиз

260. Юртбошимиз кириб келаётган 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига 30 йиллигини қандай ғоя асосида нишонлашни таъкадладилар?

- А. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!
- Б. Соғлом миллат – буюк келажак!
- С. Иқтисодий комиллик – миллат фаровонлиги гарови!
- Д. Озод ва обод ватан – эркин ва фаровон ҳаёт!

261. Буюк аждодимиз Ином Мотуридий ҳазратлари саломатлик тўғрисида қандай фикр билдирган?

- А. Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин.
- Б. Соғлигин қандай бўлиши сенинг фикрлашингта боғлиқ.

С. Соғлик туман бойлик

Д. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб.

262. Юртбошимиз Учинчи Ранассанс пойдеворини барпо этиш усун дастлаб ...?

А. ...янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улутбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишимиз керак.

Б. ...иқтисодий потенсиални кучайтириш керак.

С. ...миллий маданият мактабини барпо этишимиз лозим.

Д. ...тиббиёт марказларини кучайтириш лозим.

263. Юртбошимиз фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айлантириш мақсадида қандай ғоя асосида кенг қўламли ислоҳотларни амалга оширилишини билдириди?

А. “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”

Б. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоғот инсон учун.

С. Ким эдигу, ким бўлдик, ким бўлмоқчимиз?

Д. Ватан остонодан бошланади.

264. Бола туғилганидан бошлаб, нечи ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-куватлайдиган, хаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилиши режалаштирилди?

А. 30 ёшгacha

Б. 25 ёшгacha

С. 18 ёшгacha

Д. 35 ёшгacha

265. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино, бундан минг йил олдин баркамол авлод тўғрисида қандай фикр билдирган?

А. «Довюрак ва ботир инсонлар келажакда содир бўладиган қийинчиликлардан қўрқмайди»

Б. «Соғлик – туман бойлик»

С. «Ёшлиқда эмас, ёшлиқдан соғлигингни асра»

Д. Тишинг борида кулиб қол!

266. Юртбошимиз қайси вилоятларда ёшлар билан учрашдилар?

А. Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани

Б. Жиззах, Самарқанд

С. Жиззах, Тошкент

Д. Тошкент Жиззах, Қашқадарё

267. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йилни қандай номлашни таклиф этди?

- А. «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»
- Б. «Ёшларнинг саломатлиги – келажак пойдевори йили»
- С. «Ёшлар саломатлигини сақлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш йили»
- Д. «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг саломатлигини сақлаш йили»

268. 2021 йил - “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб номланди. Ушбу йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича нечта устувор вазифа белгиланди?

- А. 6 та
- Б. 5 та
- С. 4 та
- Д. 3 та

269. 2021 йил - “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб номланди. Ушбу йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича биринчи устувор вазифа ...

А. Келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз – боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратиш.

Б. Мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислоҳотларни жадал давом эттириш.

С. Олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Д. Мамлакат тараққиётининг замини бўлган илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш.

270. 2021 йил - “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб номланди. Ушбу йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича иккинчи устувор вазифа ...

А. Мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислоҳотларни жадал давом эттириш.

